



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Богдод тумани Иттифок МФЙ (Янги хаёт, Нурафшон, Навбахор, Истиклол, Амир Темур кучалари) ҳудудида яшовчи 2734 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Богдод тумани Иттифок МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи  $0,5 \text{ м}^3$  ҳисобланиб, Уланиш нуктаси.1 Иттифок МФЙ ҳудудидаги мавжуд калодец дан қувур материали-поэлетилен, бўлган диаметри  $\varnothing-110$  атмосфера босими  $0,5 \text{ АТМ}$  қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 7 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Богдод тумани бўлим бошлиғи:

З.Усмонов

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Богдод тумани ИЧБ муҳандиси:

Ш.Махмудов

